

Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилади | Сийрат дарслари (336-дарс)



19:00 / 11.07.2025 1780

706. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ва яқин қариндошларингни огоҳлантир» ояти нозил қилинганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшликларни чақирдилар. Улар тўпланишди. У зот ҳам умумий, ҳам хусусий даъват қилдилар.

Сўнгра: **«Эй Бану Каъб ибн Луай, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абдуш-Шамс, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абду Маноф, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Ҳошим, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абдулмуттолиб, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Фотима, ўзингни дўзах ўтидан қутқар! Сизлардан Аллоҳнинг бирор нарсасини қайтариш менинг**

қўлимда эмас. Фақат орамизда силаи раҳм бор, мен уни тиклаб тураман», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

707. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳнинг мавлолари Зайд ибн Ҳорисани Қуръоннинг «Уларни ўз оталари номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир» ояти нозил бўлгунча фақат «Зайд ибн Муҳаммад» деб чақирар эдик».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

708. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен ҳар бир мўмин учун дунё ва охиратда унинг ўзидан кўра аълороқман. Агар истасангиз, «Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир» (ояти)ни қироат қилинг. Демак, қайси мўмин қарз ёки зое бўлувчисини тарк қилса, менга келсин, мен унинг мавлосиман»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

709. Умму Умора розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ҳамма нарсалар фақат эркакларга эканини кўряпман. Аёллар бирор нарса билан зикр қилинганларини кўрмаяпман», деди. Шунда ушбу: «Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар...» ояти нозил бўлди.

Термизий ривоят қилган.

710. Мусайяб ибн Ҳазн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толибнинг вафоти яқинлашганда унинг олдида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар. Унинг ҳузурида Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ибн Муғийра ҳам бор эди. Шунда у зот: **«Эй амаки, «Лаа илааҳа иллаллоҳу» десанг, Аллоҳ ҳузурида сен ҳақингда шоҳидлик қиламан»,** дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя эса: «Абдулмуттолибнинг динидан юз ўгирасанми?» дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўшани (калимаи тоййибани) арз қилишда, икковлари ўз гапларини қайтаришда давом этдилар. У бўлса,

Ўзининг охирги сўзида Абдулмуттолибнинг динидалигини айтди, «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни айтишдан бош тортди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга қасамки, агар қайтарилмасам, сен учун истиғфор айтаман»**, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло: **«Набий ва мўминлар учун мушрикларга истиғфор айтиш тўғри келмас»** оятини нозил қилди. Аллоҳ Абу Толиб ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарата **«Албатта, сен ўзинг севган кишингни ҳидоят қила олмасан. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилади»** (ояти)ни нозил қилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.